

**Халқ таълими вазирлиги фаолиятига доир ошкор қилиб бўлмайдиган
(конфиденциал) маълумотларни ўз ичига оловчи ахборотлар
РЎЙХАТИ**

1. Вазирлик Марказий аппарати ва тизимдаги ходимлар (вазирлик тасарруфидаги ташкилот ва идоралар ходимлари)нинг шахсий маълумотлари тўғрисидаги ахборотлар.

2. Вазирлик тизими ходимлари (вазирлик тасарруфидаги ташкилот ва идоралар ходимлари)нинг шахсий ҳаёти тўғрисидаги ахборотлар, худди шунингдек, унинг шахсий ҳаёти сирини очувчи ахборотлар.

3. Ёзишмалар, телефондаги сўзлашувлар, қонун ҳужжатларига мувофиқ ахборот олиш чекланган телекоммуникациялар тармоқлари орқали узатиладиган почта, телеграф хабарлари ва бошқа хабарлар сири тўғрисидаги ахборотлар.

4. Вазирлик тизимидаги ташкилот, давлат ва малака ошириш институтлари, республика ташкилотларига ишончнома асосида берилган ҳамкор ташкилотларнинг тижорат сирлари тўғрисидаги ахборотлар.

5. Товарлар ва хизматларни олди-сотди амалиётлари ва қийматларини ўз ичига олган ахборотлар.

6. Муассасани (бино ёки махсус объектларни) қўриқлаш, ҳимоялаш, сигнализация тизими ва бинога кириш учун рухсат бериш тизимининг шифрлари, яширин калитлари ҳолати тўғрисидаги ахборотлар.

7. Вазирлик ва муассасаларнинг ахборот тизимлари ва уларни ҳимоялашда қўлланиладиган усуллар тўғрисидаги ахборотлар.

8. Вазирлик ва муассасаларнинг локал (корпоратив) ҳисоблаш тармоқлари структураси, тармоқ қурилмаларини физик ва мантиқий манзиллари тўғрисидаги ахборотлар.

9. Ахборот манбаи ёки таҳаллус билан имзо чеккан муаллиф тўғрисидаги ахборотлар, қонун ҳужжатларида белгиланган ҳоллар бундан мустасно.

10. Қонун ҳужжатларига мувофиқ ахборот олиш чекланган тергов ва суд юритуви сири ҳисобланган маълумотлар.

11. Қонун ҳужжатларига мувофиқ ахборот олиш чекланган тижорат сири ҳисобланган маълумотлар.

12. Қонун ҳужжатларига мувофиқ ахборот эгаси ахборот олишни чеклаган хизматга доир маълумотлар.

13. Қонун ҳужжатларига мувофиқ ахборот олиш чекланган банк сири, шахсни суғурталаш ва васият сири тўғрисидаги маълумотлар

14. Қонун ҳужжатларига мувофиқ ахборот олиш чекланган касб фаолияти билан боғлиқ маълумотлар.